




New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

6 (68) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

6 (68)

2024

Июнь

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 611.01/613.2

СУВНИНГ ИНСОН ОРГАНИЗМИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҚАТТИҚ СУВ ТАЪСИРИНИ ПАТОГЕНЕТИК ЖИХАТЛАРИ

Нуров Сарбоз Азимович <https://orcid.org/0009-0000-9026-6459>

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон, Бухоро ш,
Ғиждувон кўчаси, 23. info@bsmi.uz

✓ Резюме

Юқори кимёвий таркибли ер ости сувлар патогенези организмга кимёвий моддаларнинг бевосита ва билвосита таъсири билан изоҳланади. Сув таркибидаги кимёвий бирикмалар қон томир деворларига ва бутун органлар паренхимасида тўпланиши ва моддалар алмашинувига бевосита ва билвосита таъсири билан боғлиқ. Бунда зарарланган хужайраларда физик-кимёвий жараёнларнинг бузилиши билан кечади. Бунда хужайра мембранаси ўтказувчанлиги кучаяди ёки сусаяди.

Калит сўзлар: сувнинг инсон организмидаги хусусиятлари, инсон организмига қаттиқ сувнинг таъсири патогенетик жиҳатлари.

СВОЙСТВА ВОДЫ В ОРГАНИЗМЕ ЧЕЛОВЕКА И ПАТОГЕНЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ВОЗДЕЙСТВИЯ ЖЕСТКОЙ ВОДЫ

Нуров Сарбоз Азимович <https://orcid.org/0009-0000-9026-6459>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, улица
Ғиждувана, 23, Бухара, Узбекистан info@bsmi.uz

✓ Резюме

Патогенез грунтовых вод с высоким химическим составом объясняется прямым и косвенным воздействием химических веществ на организм. Химические соединения, содержащиеся в воде, связаны с ее накоплением на стенках сосудов и в паренхиме целых органов и прямым и косвенным воздействием на обмен веществ. Это сопровождается нарушением физико-химических процессов в пораженных клетках. При этом проницаемость клеточной мембраны увеличивается или уменьшается.

Ключевые слова: свойства воды в организме человека, патогенетические аспекты воздействия жесткой воды на организм человека.

PATHOGENETIC ASPECTS OF THE PROPERTIES OF WATER IN THE HUMAN BODY AND THE EFFECT OF SOLID WATER

Nurov Sarboz Azimovich <https://orcid.org/0009-0000-9026-6459>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, 23 G'ijduvan Street, Bukhara,
Uzbekistan. info@bsmi.uz

✓ Resume

The pathogenesis of groundwater with a high chemical composition is explained by the direct and indirect effects of chemicals on the body. Chemical compounds contained in water are associated with its accumulation on the walls of blood vessels and in the parenchyma of whole organs and direct and indirect effects on metabolism. This is accompanied by a violation of the physico-chemical processes in the affected cells. In this case, the permeability of the cell membrane increases or decreases.

Key words: properties of water in the human body, pathogenetic aspects of the effect of hard water on the human body.

Долзарблиги

Ташқи таъсирлар орасида ҳозирги замонда энг кўп учраётган таъсирлардан бири бу турли хил таркибли истеъмоли қилинаётган сувлардир, сувнинг керагидан ортиқ миқдордаги тузлар, макро ва микро элементлар, кимёвий ва биологик таркиби организм аъзо ва тизимларига салбий таъсир кўрсатиши исботланган [1,2,4]. Ер ости сувлари истеъмоли натижасида буйракда кечадиган морфо-функционал ўзгаришлар организмнинг патологик ҳолати бўлиб, кимёвий элемент ва бирикмаларнинг максимал йўл қўйилган меъёрларидан юқори дозалари таъсирида келиб чиқади [3,5,6,7]. Юқори кимёвий таркибли сувларнинг истеъмоли таъсирида организмдаги ўзгаришлар, шу жумладан аъзолар морфологик хусусиятлари ҳамда юқори кимёвий таркибли ер ости сувлар таъсирини камайтириш бўйича даволаш-профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ўз долзарблигини йўқотгани йўқ [8,9,10,11].

Дунёда ҳозирги кундаги етакчи илмий марказлар тадқиқотчи-олимлари юқори кимёвий таркибли ер ости сувларнинг организмга таъсир қилиш максимал дозалари, уларнинг организмда қайтар ва қайтмас патологик жараёнлар келтириб чиқариш муддатлари, юқори кимёвий таркибли ер ости сувларнинг организм тизим ҳамда аъзоларига таъсир даражаси, истеъмоли қилиш учун сувларни тозаловчи воситалар ишлаб чиқариш ва ишлатиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, натижаларини эълон қилганлар. Бундан ташқари, юқори кимёвий таркибли ер ости сувлар натижасида буйракда морфо-функционал ўзгаришларга олиб келади [1,12,13].

Тадқиқот мақсади: Ер ости сувлари истеъмоли натижасида буйракда кечадиган морфо-функционал ўзгаришлар ва биофаол қўшимчалар таъсирини ўрганишдан иборат (Бухоро вилояти мисолида).

Материал ва усуллар

- гематокселин-эозин билан микро препаратларни бўйлаш;
- Ван-гизон ва Вейгерт усулидан микро препаратларни бўйлаш;
- иммунофлюоресцент усули;
- қондаги оксидант ва антиоксидант тизимининг фаолият кўрсаткичларини аниқлаш;
- Стрелков жадвалларидан фойдаланган ҳолда вариацион статистика усулида статистик ишлов бериш ва Студент т-мезонини белгилаш.

Натижа ва таҳлиллар

Сувни ифлословчи манбалар орасида энг муҳим ўринни саноат ва маиший-коммунал хўжалиқдан чиққан оқова сувлар эгаллайди. Бу оқова чиқинди сувларида тирик организм учун хавфли бўлган ҳар хил кислоталар, феноллар, водород сульфати, аммиак, мис, рух, симоб, ционид, мышьяк, хром ва бошқа захарли моддалар ёғ, нефть маҳсулотлари мавжуд бўлиб, улар саноат корхоналарида ишлатилган оқова сувлар билан бирга дарё, кўл ва сув омборларига қўшилиб уларни ифлосламоқда. Ушбу вазифаларни бажаришни яъни, сув ресурсларини ифлосланишини олдини олишни ҳамда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни омилларидан бири, сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, ишлатилган сувларни камайтириш ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш тадбирларини такомиллаштиришдан иборатдир. Шу масалалардан яна бири сув объектига сизот сувларни оқизишга сув объекти таркибидаги ифлослантувчи моддаларнинг белгилаб қўйилган меъёрлардан ошиб кетишига йўл қўйилмаслик ва сувдан фойдаланувчи бундай сизот сувларни табиатни муҳофаза қилиш ва санитария назорати органлари томонидан белгилаб қўйилган даражага етказиб тозалаб бериш шарти билангина йўл қўйиш мумкин.

Ўрта Осиё дренаж-зовур, саноат ва маиший-коммунал ифлос чиқинди сувларининг дарёларга қўшилиши туфайли Амударё ва Сирдарё сувларида зарарли моддаларнинг ҳамда, экин далаларидан чиққан зарарли химикатлар концентрациясининг миқдори меъёрдагидан 1,8-3,0 марта кўп эканлиги аниқланган. Шунинг учун ифлос чиқинди сувлар миқдорини камайтириш, сув ресурсларининг тоза сақлашда режали равишда ҳар бир корхона қошида чиқинди сувларни тозаловчи иншоотлар қуриш ва тозалаш усулларини такомиллаштириб бориш, чиқинди ифлос сувдан сўғоришда фойдаланишга ўтиш ҳамда сув ресурсларини ифлосланишдан сақлашда саноати ривожланган шаҳарларда индекс иккита сув қувури

системасига зарур бўлади. Биттасидан ичимлик сув, иккинчисидан саноат ва коммунал хўжалик учун ишлатиладиган техник сув келиши керак. Кейинги вақтларда тадқиқотлар турли халқ хўжалиги соҳаларидан чиқадиган оқова сувларни мақбул усулларида тозалаб қайта ишлатиш масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Бунга сабаб сув манбаларини турли зарарли моддалардан ифлосланиш даражасини ошиб бораётганлиги натижасида яроқсиз ҳолга келаётганлигидир. Бизга маълумки, маиший-коммунал ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлатиш хўжаликлардан чиқадиган оқова сувларнинг таркибида кўп миқдорда органик-минерал моддалар ва ҳар хил касаллик тарқатувчи патоген бактериялар мавжуд бўлади. Масалан, маиший-коммунал оқова сувларнинг таркиби асосан органик моддалардан иборат бўлиб, органик моддалар микроорганизмлар таъсирида парчаланиб, минерал моддаларга айланади, яъни минерализация жараёни содир бўлади. Барча корхоналардан чиқадиган оқова сувлар махсус қурилмаларда (аэротенкаларда) тозаланиб, сув ҳавзаларига ташланиши керак. Айрим корхоналарда оқова сувларни тозаловчи қурилмалар мавжуд эмас. Борларида ҳам сувлар тозаланмасдан 11 ёки чала тозаланиб очиқ сув ҳавзаларига ташланиши натижасида уларнинг ифлосланишига олиб келмоқда [3,5,8].

Ҳозирги вақтда Республикамизда ишлатилган сувларнинг бир қисми тозаланиб, қолган қисми (50%) бутунлай тозаланмасдан сув ҳавзаларга чиқариб ташланмоқда. Бундай салбий оқибатларни олдини олиш, яъни сув объектларини гигиеник ҳолатини тоза сақлашни асосий йўлларида бири, оқова сувларни тозалайдиган қурилмаларни қуриш, замонавий усулларни қўллаш, тозаланган оқова сувларни қайта ишлатиш илмий асосини ишлаб чиқишдан иборатдир. Демак, маиший-коммунал оқова сувларни сув ўтлари ва сув ўсимликлари ёрдамида тозаланиши ўрганиш асосий омиллардан бири ҳисобланиб, ҳозирги вақтда сув ресурсларини муҳофаза қилишни энг долзарб муаммолардан биридир.

Ҳозирги вақтда бутун жаҳонда 200 млн. гектар ерни суғориш учун йилига 2800 км³ сув дарёлардан ва ер остидан олинади. Бу дунёдаги дарёлар сувининг 7 фоизига тенг. Олинган 2800 км³ сувнинг 17 фоизи ёки 470 км³ қайтарма суви кўринишда дарёларга ва ер ости сувига қўшилади, қолган 83 фоизи ёки 2330 км³ эса бутунлай сарфланиб кетади. Ўзбекистон Республикасида олинган чучук сувнинг 92 фоизини қишлоқ хўжалигида, 6 фоизи саноатда, 0,5 фоизини коммунал хўжалигида сарфланмоқда. Шаҳарларнинг кенгайиши, саноат ва қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланиши, суғориладиган ерларнинг кўпайиши, аҳоли сонини ошиб бориши ва уларни яшаш шароитларининг яхшиланиши ва бошқа омиллар таъсирида инсониятни сув билан таъминлаш муаммоси мураккаблашиб бормоқда. Шунинг учун бутун дунёда сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш устивор масалалардан бири бўлиб келмоқда. Республикамизда ҳам ушбу йўналиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб зарур чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Сув ресурсларини муҳофаза қилишда янги, тежамкор технологиялар, сувдан фойдаланишнинг ёпиқ циклини жорий қилиш, оқова сувларни биологик тозалаш, экологик хавфсиз, иқтисодий жиҳатдан арзон ҳамда самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳозирги даврнинг муҳим талаби бўлмоқда. Ҳозирги вақтда ер шари аҳолисининг ¼ қисми ичимлик суви танқис мамлакатларда яшайди. Бундай ҳолат Жазоир, Бельгия, Англия, Франция, Олмония, Голландия, Данияда, Жанубий Африка Республикасида, Мексикада, Японияда, айниқса Африканинг бир қатор мамлакатларида, яқин Шарқ мамлакатларида ҳамда ривожланган Европа давлатларида ҳам чучук сув танқислиги жуда ҳам сезилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сув ресурслари ер усти ва ер ости сувларидан ташкил топган бўлиб, уларни миқдорини кўрсаткичлари 433 м³ ташкил этади. Собик Иттифок умумий ер майдонининг ¼ қисмини ташкил қиладиган Ўрта Осиё, Козоғистон, Озарбайжон ва Молдавияда барча сув манбаларининг атиги 2 фоизи жойлашган. Сув ресурсларининг ифлосланиши ва бузилиши бу сувда ҳар хил органик, ноорганик, механик, бактериологик ва бошқа моддалар тўпланиб, унинг ранги тиниқлиги, ҳиди ва мазаси органик ва минерал қўшимчалар миқдори ортиб, зарарли бирикмалар пайдо бўлиши, сувнинг таркибида кислороднинг камайиб, ҳар хил бактериялар турининг кўпайиб, юқумли касалликларни тарқатувчи бактерияларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Республика Табиатни муҳофаза қилиш жамғармасининг 2016 йилдаги Дастури тадбирларини амалга ошириш доирасида — Сув хўжалиги экологияси илмий-ишлаб чиқариш давлат унитар корхонаси томонидан оқова сувларни гидробиологик тозалаш жараёнини интенсификатлаш ва макрофитлар (юқори сув

ўтлари) гуруҳлари тозалаш хусусиятларини самарадорлигини ошириш асосида қайта тозалаш биомухандислик технологияси ишлаб чиқилди ва Самарқанд вилоятидаги Геофизика оқова сувларни тозалаш станциясида тажриба сифатида жорий қилинди ва ижобий натижаларга эришилди [1,3,6].

Ер ости сувлар хилларига қуйидагилар киради: жойлашиш шароитига кўра ер ости сувлари тупроқ суви, мавсумий сувлар, грунт сувлари ва қатламлараро сувларга бўлинади. Ер ости сувлари табиий эритмалар бўлиб, таркибида деярли барча маълум кимёвий элементлар учрайди.

Минераллашуви (судда эриган моддаларнинг умумий миқдори, г/л) бўйича ер ости сувлари чучук (1,0 гача), шўртам (1,0—10,0), шўр (10,0— 50,0) ва намақоб (50 дан кўп) турларига бўлинади. Ҳарорати бўйича эса совиган (4° гача), совуқ (4—20°), илиқ (20—37°), иссиқ (37-42°), қайноқ (42—100°) ва ўта қайноқ (100° дан юқори) ер ости сувларига бўлинади.

Юқори кимёвий таркибли ер ости сувлар организмга унинг таъсир давридагина амалга ошади, унинг таъсирида организмда турли морфо-функционал ўзгаришлар пайдо бўлади. Юқори кимёвий таркибли ер ости сувлар организмга тери, ошқозон-ичак тракти, нафас йўллари орқали тушиши мумкин. Шундан сўнг қон ва лимфа оқими орқали организмнинг бошқа аъзо ва тўқималарига тарқалади.

Бу оқова чиқинди сувларида инсон ва турли тирик организмлар учун зарарли бўлган ҳар хил кимёвий моддалар кислоталар, феноллар, водород сульфати, аммиак, оғир металллар ва бошқа захарли моддалар мавжуд бўлиб, улар саноат корхоналарида ишлатилган оқова сувлар билан бирга дарё, кўл ва сув омборларига қўшилиб уларни ифлосламоқда. Дарё сувлари юқори кимёвий моддалардан ташқари чорвачилик фермалари комплексларидан чиққан оқова сувлар билан ҳам ифлосланади. Чорвачилик фермаларидаги гўнг оқова сувлар туфайли эриб, улар дарё, сой ва жилға сувига қўшилади. Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш натижасида ерларга жуда кўп минерал ўғитлар солинмоқда ва зараркунандаларга қарши захарли химикатлар ишлатилмоқда, буларнинг бир қисмини 15-20 фоизини ўсимликлар ўзлаштиради, қолган қисми тупроқда, сувда ва ҳавода тўпланади. Натижада, сув ҳавзаларида азот, фосфор бирикмалари тўпланишида сув ўтлари жуда тез ўсиб ривожланади. Сувда биомассанинг кўпайиши туфайли 10 баробар кислород кўплаб сарфланади. Бу эса балиқлар ва бошқа сув ҳайвонларининг яшаши учун шароитни ёмонлаштиради.

Инсон ҳаёти мобайнида жуда кўплаб моддалар алмашинувининг зарарли ва кераксиз маҳсулотлари ҳосил бўлади. Бу маҳсулотлар тўқима ҳужайралари томонидан фойдаланилмайди ва албатта организмдан чиқариб юборилиши лозим бўлади. Бундан ташқари организм турли зарарли моддалардан, ёт моддалардан, доривор моддалардан, органик моддалардан, ортикча сув ва тузлардан ҳолис бўлиши керак. Инсон танасидан чиқарув жараёнларида буйраклар, ўпка, тери, ҳазм тизими, жигар иштирок этади. Чиқарув аъзоларининг асосий вазифаси организм ички муҳити физиологик фаолият мутадиллиги, доимийлигини таъминлашдан иборат. Айирув аъзолари доим бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, бирининг фаолияти бузилиши бошқа физиологик айириш аъзоларнинг фаолияти бузилишига сабаб бўлади.

Ер ости сувлари истеъмоли натижасида тажриба ҳайвонлари буйракда турли патоморфологик ўзгаришлар 66,7-86,7% ҳолатларда қайд қилиниши, шундай салбий ўзгаришлар, учраш даражаси ҳамда интенсивлиги паст бўлса ҳам ер ости сувлари истеъмоли таъсирида ҳам кузатилиши, улар буйракларида касалликлар ривожланаётганидан дарак бериши исботланганлиги амалий соғлиқни сақлашда тизими илмий тадқиқотларида кўрсатилиб, бу жараёнларнинг ташҳислаш ва даволашда муҳимлиги кўрсатилган.

Ер ости сувлари истеъмоли натижасида лаборатория ҳайвонлари буйракларида кузатилган турли интенсивликдаги патологик, морфологик ўзгаришлар тўлақонлиги, яъний шиш, гемолиз, плазматик бўкиш каби патофизиологик белгилар билан бирга кечиши ер ости сувлари истеъмоли таъсирида эканлиги исботланган, илмий экспериментал тадқиқотларда бу жараён истикболда ноҳуш яқун бўлиши кўрсатиб берилган. Ушбу патологик ҳолат бўйича касаллик яқуни прогнозини аниқлашда морфологик прогностик мезонлар сифатида тавсия қилинади.

Ер ости сувлари истеъмоли натижасида илмий экспериментал тадқиқотлар натижасида тажриба ҳайвонлари буйракларида салбий таъсири натижасида келиб чиқадиган патолого-морфологик ўзгаришлар учраш даражаси ва интенсивлиги нисбатан юқори бўлгани исботланганлиги ушбу патология дифференциал ташҳисида аҳамиятли эканлиги исботланган ҳамда амалиётда бу маълумотларни ҳисобга олиш тавсия этилган.

Ер ости сувлари истеъмоли давомида “Кушқўнмас” мойи ва “Лимонли сув” каби профилактик воситалар профилактик тавсиялари буйракдаги пато-морфологик белгиларни илмий экспериментал тадқиқотларда аниқланган.

Умумкислота агрессивлиги (рН) сувлардаги эркин водород ионларнинг миқдори билан боғлиқ. Агар рН миқдори 5,0-7,0 бўлса сувлар агрессив бўлади.

Лаборатория ҳайвонларида (3 ойдан сўнг) буйрагининг морфологик ўзгаришлар параметрларини ўрганиш учун экспериментал тадқиқотларда кенг қўлланиладиган стандарт тадқиқот усуллари қўлланилди (анатомик ёриш). Барча биологик микрообъектлар дастурий таъминотга эга ХЛ-19 моделидаги тринокуляр микроскоп (Хитой) ёрдамида кўрилди. Тадқиқотнинг асосий объектлари ок зотсиз каламушлар буйрагидан тайёрланган гистологик препаратлар бўлди.

Хулоса

Ер ости сувлари истеъмоли натижасидан кейин экспериментал ҳайвонлар буйракдаги ўзгаришларни олдини олиш сифатида профилактик биокоррекция воситаларини яъни «Лимонли сув» биологик фаол қўшимчаси қабул қилган экспериментал ҳайвонлар ўртасида буйракнинг функционал ўзгаришлар интенсивлиги ушбу биокоррекция воситаларини қабул қилмаган экспериментал ҳайвонларга нисбатан паст бўлди. Профилактик биокоррекция воситаларини экспериментал ҳайвонлар буйракдаги функционал ўзгаришларнинг учраш даражаси ҳамда интенсивлигига таъсир қилганлиги қайд қилинди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Nurov A.S. Strategies and approaches to reach out-of-school children and adolescents // European journal of modern medicine and practice 2023;3(30):56-58.
2. Nurov A.S. Key Considerations for Assessing School Food Environments // Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali 2023;3(30):85-87.
3. Nurov A.S. Disruption of Natural Systems Affects Health // Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali, 2022;11(15):258-260.
4. Nurov A.S. The Importance of Ecology for Children's Health and Well-Being // Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali 2022;11(15):238-240.
5. Nurov A.S. Changes in taste and food intake during the menstrual cycle // Science and innovation 2022;251-253.
6. Nurov A.S. Causes of Rational Eating Disorders in Children and Adolescents // American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences 2023;236-239.
7. Бахронов Ж.Ж., Тешаев Ш.Ж. Морфометрическая характеристика частей нефрона почек крыс в норме и при воздействии антисептика – стимулятора дорогова фракции 2 на фоне хронической лучевой болезни // Проблемы биологии и медицины 2020;138-141.
8. Каюмов У.К. Новые перспективы применения тиотриазолина в общеврачебной практике /У.К. Каюмов // Запорожский медицинский журнал 2016;12(5):34-36.
9. Тешаев Ш.Ж. Анатомия тонкой кишки крысят в онтогенезе и при отравлении цимбушем. //Патология. Ташкент. 2018;1:23-25.
10. Bakhronov Jur'at J, Teshaeв Shukhrat J, Shodieva Musharraf S. Morphometric characteristics of parts of rat kidney nephron in normal and under the influence of an antiseptic - facility 2 road stimulator on the background of chronic radiating disease. //International journal of pharmaceutical research jan-mart 2021;4(1):682-686.
11. Baxronov J.J, Teshaeв Sh.J. Morphofunctional features of the structure of the kidneys and their change under the influence of various external factors. //New day in medicine 2020;2/1(29/1):76-80.
12. Jain R. Laboratory approach for diagnosis of toluene-based inhalant abuse in a clinical setting. /R. Jain, A. Verma // J Pharm Bioallied Sci. 2016;8(1):18-22.
13. Khasanova D.A., Teshaeв Sh.J. Topografic-anatomical features of lymphoid structures of the small intestine of rats in norm and against the background of chronic radiation diseases- //European science review 2018;9-10:197-198
14. Kountouras J., Zavos C. (2019) Recent advances in the management of radiation colitis. //World J Gastroenterol 2019;14:7289-7301.
15. Teshaeв Sh.J, Khasanova D.A. Comparative characteristics of the morphological parameters of the lymphoid structures of the small intestine of rats before and after exposure to the antiseptic-stimulant Dorogov fraction 2 against the background of chronic radiation sickness // Operative surgery and clinical anatomy (Pirogov scientific journal) 2019;3(2):19-24.

Қабул қилинган сана 20.05.2024